*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 154 (8894). ✦ 1986 йил 8 август, жума ● Баҳоси 3 тийин

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган катта группа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.**

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:**

«Узэлектромонтаж» трестининг Тошкент область монтаж бошқармаси электр монтажчиси Х. Толипов Октябрь Революцияси ордени билан;

«Узэлектромонтаж» трестининг Чирчиқ монтаж бошқармаси электр монтажчилари бригадаси бошлиғи В. И. Аверкина, «Узсантехмонтаж» трестининг Оққовоқ механизациялашган кўчма колоннаси бригадири В. П. Кнебелев, «Средазтепломонтаж» трестининг Чирчиқдаги «Химзашита» монтаж бошқармаси катта иш юритувчиси И. М. Мешков, «Узстальконструкция» трестининг Тошкентдаги «Стальмонтаж» монтаж бошқармаси монтажчилари бригадири И. Х. Зиганшин, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиши ишлари министрлиги автобазаси слесари М. А. Самиғов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан;

Тўйтепа металл конструкциялари заводи комплекс бригадаси бошлиғи В. В. Косенкова, «Промсвязьмонтаж» трестининг Ўзбекистон монтаж бошқармаси алоқа монтажчилари бригадири В. А. Бордюк, «Средазтепломонтаж» трестининг Тошкентдаги «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармасининг оловкорлари бригадири, С. З. Кириллов, «Сантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси газ пайвандчилари бригадири Р. Ш. Нишонов, «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкентдаги 2-монтаж бошқармаси электр монтажчиси А. С. Усмонов Халқлар Дўстлиги ордени билан;

«Узэлектромонтаж» трестининг Олмалиқдаги монтаж бошқармаси электр монтажчилари бригадири М. П. Гарус, «Средазтепломонтаж» трестининг Чирчиқдаги «Химзашита» монтаж бошқармаси бригадири Р. П. Молюшкина, «Узсантехгазмонтаж» трестининг Назарбекдаги механизациялашган кўчма колоннаси бригадири А. Г. Седухин, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг Тошкентдаги «Газмонтаж» монтаж бошқармаси бошлиғи Г. Г. Головлев, «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкент электромонтаж буюмлари заводи электр пайвандчилари бригадири Г. В. Ямулин Ҳурмат Белгиси ордени билан;

шунингдек, 10 киши III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 12 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан, 17 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирландилар.

**СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР медицина ва микробиология саноати министрлиги Тошкент области ва Тошкент шаҳридаги бирлашмалари, муассасалари ва ташкилотлари илғор ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг катта бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.**

**Янгийўл биохимия заводининг аппаратчиси Н. А. Данилкина Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.**

**Тошкент химия-фармацевтика заводининг сараловчиси Х. М. Тожиева Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.**

**«Средазстрой монтаж» трестининг Янгийўл қурилиш-монтаж бошқармаси катта ишлаб чиқарувчиси М. А. Столяров, Тошкент химия-фармацевтика заводи слесари В. П. Елфимов, Бутуниттифоқ медицина саноати химия-технология илмий тадқиқот институтининг лаборатория мудираси Э. А. Сапожниковалар Ҳурмат белгиси орденига сазовор бўлдилар.**

**«Средазстроймонтаж» трестининг Янгийўл қурилиш-монтаж бошқармаси электропайвандчиси Р. В. Васильевга, Янгийўл биохимия заводи аппаратчиси К. М. Усмоновга, Бутуниттифоқ медицина саноати химия-технология илмий тадқиқот институтининг слесари М. Х. Абдураҳмоновга, Тошкент химия-фармацевтика заводи ўровчиси Д. С. Алихўжаевага III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени топширилди.**

**«Шавкатли меҳнати учун» медали билан тўрт киши, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан беш киши тақдирланди.**

## МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

### Мажбурият ҳисобига

**Шу ойнинг охирида мамлакатимизда Шахтёрлар куни кенг нишонланади. Ангрен кўмир разрезида анъанавий касб байрамини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Меҳнат коллективлари зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб ишлашмоқда. Виктор Ежков етакчилигидаги ЭКГ-15 экскаваторчилар бригадаси Шахтёрлар кунига саккиз ойлик планни бажариш ташаббуси билан чиқишди. Машинистлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга солиб ишламоқдалар. Шунга кўра улар июль ойида планга қўшимча 18 минг куб метр тоғ жинси ортиб бердилар.**

**В. Ежков ташаббусини қўллаб-қувватлаган кўплаб бригада коллективлари графикдан ўзиб ишлаб, касб байрамларини муносиб меҳнат савғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.**

**А. ХРУСТАЛЕВА.**

### Муваффақият негизлари

**ЎРТА ОСИЁ темирйўли Тошкент бўлими Собир Раҳимов станциясининг ёш меҳнаткашлари — Д. Нурмуҳамедов билан З. Габидуллинага «Коммунистик меҳнат зарбдори» нишонлари ва гувоҳномалар топширилди. Станциянинг бутун коллективи шулардан ўрнак олиб, катта муваффақиятга эришди. Август ойидаги ишлар октябрь ҳисобидан бормоқда. Темирйўлчилар социалистик мажбуриятларини бажаришга яқин турибдилар — улар беш йилликнинг биринчи йили программасини муддатидан илгари бажаришга сўз берганлар.**

**Темир йўлчилар ҳозироқ ҳар бир вагонга планда 3 тонна кўп юк сиғдиришга муваффақ бўлдилар. Станцияда ҳар куни топшириқдан ташқари бештагача вагоннинг юки тушириб олинмоқда, уларнинг тўхташ муддатлари қисқартирилди. Барча хизматларнинг уюшқоқлик билан ишлаши шундай натижаларга эришишга ёрдам бермоқда.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

БУГУН — ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ҲАҚИДА КАТТА ҒАМХЎРЛИК

«Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳаларини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш — умумхалқ ишидир». Бугун Тошкент шаҳри ва пойтахт областида ўтказиладиган ягона сиёсий кун мавзуси шу масалага бағишланади. Меҳнаткашларнинг турли- туман кенг истеъмол товарларига, шунингдек, кўрсатиладиган хизмат турларига бўлган эҳтиёжи қанчалик тўла қондирилса, уларнинг меҳнат активлиги ҳам шунчалик кучаяди. Шу жиҳатдан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳаларини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш беқиёс аҳамиятга эгадир.

*КПСС XXVII съезди қарорлари ҳаётга!*

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

**• Август—ҳосилга ҳосил қўшишда ҳал қилувчи ой эканлигини унутманг. • Ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан бирга йиғим-теримга ҳам тайёргарликни кучайтиринг. • Терим техникасининг шайлигини қайта-қайта текширинг.**

# Мўлжалдагидан 6 центнер кўп

БРИГАДАМИЗ деҳқонлари областимизнинг бир группа илғор пахтакорларининг ташаббусини қизғин кутиб олдилар. Ҳақиқатан ҳам улар пахтакорларнинг шу кунларда бажаришлари керак бўлган вазифалар, тадбирлар ҳақида жуда тўғри фикр юритишган. Очиғини айтганда ҳозирча биз деҳқончилик маданиятини ошириш, пахта ҳосилдорлигини юксалтириш, унинг сифатини яхшилаш бўйича кўп гапиряпмизу, кам иш қиляпмиз.

Мана, резервларни олиб кўрайлик. У ҳар бир хўжалик ва бригадада етарли. Гап ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишда қолди. Масалан, районимиз ўтган йили давлатга пахта сотиш планини бажармади. Гарчанд бригадамизда ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиниб, планни бажарган бўлсакда ички резервларнинг ҳаммасидан тўлиқ фойдаланмадик. Агар бизга ўхшаган 50—60 та бригадада пландагидан 1—2 центнер ошириб пахта олинганда, районнинг умумий хирмони янада юксалган бўлур эди.

Шунинг учун ҳам биз илғор пахтакорларнинг ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 40 центнерданга етказиш юзасидан бошлаган даъватларини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

**ОБЛАСТИМИЗ БИР ГРУППА ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ ИЗДОШЛАРИ**

Энди бу йилги ишларимиз ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. 109 гектар ерга чигит экдик. Имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилдик. Бу пландагидан 6 центнер кўпдир. Бунинг уддасидан чиқиш учун дала ишларини уюшқоқлик билан давом эттираяпмиз. Айни кунларда бутун куч ғўза парваришига қаратилмоқда. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш каби тадбирлар сифатли ўтказилмоқда. Чеканкани тугалладик. Ҳозир ҳар туп ғўзамизда ўртача 7—8 тадан бўлиқ кўсак бор. Август ойида зарбдорчасига меҳнат қилиб ҳосил нишоналарини камида 12—13 тага етказишни режалаганмиз. Суғоришни асосан кечаси ўтказяпмиз. Бригадамизнинг Валижон Қўшматов, Пардабой Бозорбоев, Ғаффор Нурматов каби сувчилари сув тақчил бўлган шароитда ҳам экинни чанқатиб қўйишмаяпти. Механизаторларимиз Ж. Саидов ва Р. Сарибоевлар ҳамкорликда иш юритиб, культиваторларни юксак унум билан ишлатишмоқда.

Биз ташаббускорларнинг тажрибалари билан ўртоқлашар эканмиз, яна бир бой берилаётган имкониятни кўрдик. Бу техникадан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. Афсуски бригадамизда кўп ҳосил қўлда терилмоқда. Ваҳоланки, пахтанинг 90—95 процентини машиналарда териб олиш учун барча имкониятлар бор. 1986 йилда бу соҳадаги ишларимизни тубдан яхшилаймиз. Шу мақсадда ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш, дефолиацияни сифатли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқдик. Эндиликда ҳар бир деҳқон ўзи ташаббус кўрсатиб, илғорлик сари курашадиган пайт келди. Агар ҳамма ерда белгиланган тадбирларни, илғор тажрибаларни бригадаларнинг ер шароитини ҳисобга олган ҳолда қўлласак, ўйлайманки, ҳосилдорликни янада оширишимиз мумкин.

**Ҳ. ТОШБОЕВ,**
**Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи.**

*ЗАМОНДОШИМИЗ*



**Тошкент электр рўзғор буюмлари заводи йиғувчиси Шоҳида Султоновани коллективда кўпчилик танийди. Салкам ўн йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келаётган бу пешқадам ишчи КПСС XXVII съездининг жадаллаштириш программасини амалга оширишда муносиб ҳисса қўшаяпти. План топшириқларини ортиғи билан бажариб келаётган ёш ишчи жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб келмоқда. Шу кунларда ҳам унинг бутун фикри-зикри партиямиз съезди талаб қилганидек, нафақат ишлаб чиқаришда, ишчилар онгида ҳам туб бурилиш ясашга, уларни коллектив олдида турган улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этишга қаратилган.**

**Т. Каримов** фотоси.

## КАРТОШКА МЎЛ БЎЛДИ

КОММУНИСТИК районидаги Усмон Юсупов номли совхознинг Оққалий Рустамов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари давлатга 45 тоннадан ортиқ карам етказиб бериб, планларини биринчилардан бўлиб бажарган эдилар.

Ҳозирги кунда асосий эътибор мавжуд 41 гектар майдондаги картошкани ўз вақтида йиғиб-териб олиб, сифатини бузмай истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган.

Коллективнинг Қ. Файзиев, М. Шерматовлар бошлиқ звенолари зиммага олинган мажбуриятларини ортиғи билан уддалаб, умумий хирмонга салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Механизаторлар Н. Умидов ва Т. Соибовлар терилган ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига етказиб, кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб адо этишмоқда.

Ў. Мирзааҳмедов, И. Тошматов, Қ. Расуловлар кунига 300—350 килограммдан картошка териб, бу борада ўрнак бўлишмоқда.

Бригада аъзоларининг шу кунгача топширган маҳсулотлари 300 тоннадан ошиб кетди.

**Д. АНОРБОЕВ.**

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

6 августда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети бюросининг мажлиси бўлди. Унда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни тезлатиш асосида тайёрланаётган машиналар ва ускуналар сифатини яхшилаш, уларга материаллар сарфини камайтириш юзасидан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланишича, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми, партия XXVII съездидан сўнг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотлари фан-техника тараққиёти асосида машина ва ускуналар сифатини яхшилаш, материаллар сарфини қисқартиришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш юзасидан ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни бир мунча активлаштирдилар.

Шу билан бирга мазкур партия ташкилотлари ишида масалага эскича ёндашиш, бир қолипда ишлаш ҳамон ҳукм сурмоқда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, пировард натижаларни яхшилашга қаратилган меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини жорий этишда жиддий қадам қўйилгани йўқ. Партия ташкилотларининг эътибори машиналар сифати ва чидамлилигини тубдан оширишга, уларга материаллар сарфини камайтириш юзасидан партия съезди қўйган вазифаларни амалий жиҳатдан бажаришга тўла жалб этилмаган. Коммунист раҳбарларнинг тайёрланаётган маҳсулотнинг техникавий даражасини ошириш учун масъулияти бўшаштириб юборилган, лозим даражада талабчанлик қилинмайди, брак маҳсулот чиқарувчилар моддий жазоланмайди.

Пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси илмий тадқиқотлари ва лойиҳа-конструкторлик ечимлари ҳамма вақт ҳам ҳозирги талаблар даражасига мос келмайди. Конструктив камчиликларга ишлаб чиқариш характеридаги нуқсонлар ҳам қўшилаётганлиги аҳволни янада мушкуллаштирмоқда. Қишлоқ хўжалик машиналари ишлатилиши чоғида тез-тез бузилиб туради. СХУ-4 сеялкалари ва КХУ-4 культиваторлари пайвандлаш ва йиғиш чоғидаги нуқсонлари учун мавсум давомида 5—6 марта ишдан чиқиб қолади. Ваҳоланки уларга сифат белгиси берилган. ОВХ-28 чанглагич-пуркагичлари ҳам анчайин носоз тайёрланмоқда. Пахта териш комбайнлари ва бошқа техника сифати хусусида ҳам эътирозлар кўп.

Корхоналарни техника жиҳатдан ниҳоятда суст қайта қуроллантирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида сменалик коэффициенти умуман 1,4—1,45 ни ташкил этди, «Ташхимсельмаш» ва агрегат заводларида эса ускуналарнинг учдан икки қисмидан кўпроғи атиги бир сменада ишлатилади. Сифатни оширишнинг ихтисослаштириш ва кооперациялаш, кам чиқитли ва чиқитсиз прогрессив технологияларни жорий этишдек резервлари ҳам қишлоқ хўжалик машинасозлигида яхши йўлга қўйилмаган. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини суст ишлаётганлигининг сабабларидан бири «Главмашхлопководство»нинг ташкилотчилик ва йўналтирувчилик роли йўқлигидадир. Бу Главка раҳбарлари, мутахассислари кун талабини ҳисобга олмаяптилар, корхоналарни узлуксиз техник реконструкциялаш комплекс программалари ўрнига майда-чуйда тадбирлар билан чегараланиб қолмоқдалар. Тошкент ва Чирчиқ шаҳар партия комитетлари, район партия комитетлари бўш раҳбарлик қилаётгани оқибатида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотлари ишида жиддий нуқсон ва камчиликлар рўй бермоқда. Бу корхоналар партия комитетлари иш услуб ва методларини яхшилашга етарли ёрдам кўрсатилмаяпти, социал масалаларни ҳал этишга лозим даражада эътибор берилмаяпти.

Область партия комитетининг бюроси «Главмашхлопководство» ва унинг раҳбарлари Сафаров ҳамда Матчонов ўртоқларнинг бу йўналишда қониқарсиз ишлаётганлигини таъкидлади. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Узбексельмаш» бирлашмаси, пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, «Чирчиксельмаш», «Ташхимсельмаш», агрегат заводлари, «Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетларининг, «Главмашхлопководство» аппарати партия бюросининг машина ва ускуналар сифати ҳамда пишиқлигини ҳар томонлама ошириш, материал сарфини камайтириш коллективларни сафарбар этиш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий иши қониқарсиз деб топилди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотлари ва раҳбарлари олдига ҳар бир иш ўрнида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, коллектив олдида турган вазифаларни бажаришга ижодий ёндашишни кучайтириш, цех партия ташкилотлари ва партия группалари ролини тубдан ошириш, цех ва ишлаб чиқариш бригадаларида партиявий таъсирни кучайтириш, партия XXVII съездининг ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштириш, ўн иккинчи беш йилликда маҳсулот сифатини оширишда, социал масалаларни комплекс ҳал этишда тубдан бурилишга эришиш учун цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг ролини анча ошириш вазифаси қўйилди.

Область партия комитети бюросининг мажлисида бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Ем-хашак тайёрлаш «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

## СИЛОС БОСТИРИЛМОҚДА

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхозда чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 1986 йилнинг ўтган 6 ойида давлатга сут сотиш плани 126 процент, гўшт сотиш эса 135 процентга бажарилди.

— Муваффақиятларимизнинг бош манбаи,— дейди колхоз бош зоотехниги Т. Қуролбоев.— Колхозимизда ем-хашак тайёрлашга жиддий эътибор берилаётганлигида. Бир неча йилдирки бизнинг хўжалигимизда қишин-ёзин соғин сигирларга берилаётган озуқа рационининг тўлиқ ва тўйимли бўлишига эришилмоқда. Бу эса сигирлар маҳсулдорлигини доимо ортиб боришини таъминламоқда.

Ҳақиқатан ҳам шундай, Хўжаликда Соли Қосимов бошчилик қилаётган озуқачилик бригадаси аъзолари баракали меҳнат қилишаяпти. Улар бу йил 242 гектар майдонда беда, 60 гектар ерда силос учун маккажўхори, 5 гектар майдонда эса озуқа лавлагиси етиштиришмоқда. Қишловга 1912 тонна беда пичани, 2400 тонна силос, 200 тоннадан зиёд лавлаги жамғариш мўлжалланган.

Айни кунларда хўжаликда беданинг тўртинчи ўрими ҳам бошлаб юборилди. Бу ишда Акром Узоқов, Фахриддин Тошбоев, Абдуқодир Раҳматов сингари механизаторлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар кунига 12—15 гектар майдондаги бедани ўрмоқдалар. Етилган пичанни пешма-пеш фермага ташишда Неъмат Ҳайдаров, Садир Умархўжаев, Аҳмад Отақуловлар барчага ибрат бўлишаяпти.

Бригада озуқакорлари районда биринчи бўлиб силос учун маккажўхори ўримини ҳам бошлаб юбордилар. Обид Шохўжаев, Ашир Ражабов, Араббой Акбаровлар ўз комбайнларини бетўхтов ишлатиб, ҳозиргача минг тоннадан зиёд силос тайёрлаб қўйишди.

**С. ҚУРБОНҚУЛОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

«Абитуриент—86»:

# ҚАБУЛ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИ СОВЕТИ ЙИҒИЛИШИДАН

КПСС XXVII съездида белгиланганидек, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш социалистик жамият ривожининг ҳозирги босқичида қўйилаётган энг муҳим талаблардан биридир. Жадаллаштириш ўз билимларини ижодий қўлланувчи, илғор фикрли, малакали мутахассислар етказиб беришни тақозо этмоқда. Бундай кадрларни олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тайёрлаб бераяпти.

Бу соҳадаги вазифаларни ҳал этишга оид масалалар ва 1986—1987 ўқув йиллари учун абитуриентларни қабул қилиш бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларида олиб борилган тайёргарлик ишлари область олий ўқув юртлари партия ташкилотлари секретарларининг янги тузилган Советида ҳамда Тошкент область партия комитетида бўлиб ўтган кенгашда кўриб чиқилди. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти партия комитетининг секретари Х. Х. Ҳайруллаев Совет раиси, Беруний номли Тошкент политехника институти партия комитетининг секретари А. А. Анцупов унинг ўринбосари этиб сайланди.

Советнинг биринчи мажлисида медицина, қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари, қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти партия комитетлари секретарлари ва қабул комиссиялари масъул секретарларининг ҳисоботлари тингланди. Мажлисда абитуриентлар қабул қилишдаги янги қоидалар ҳақида очиқчасига гап бўлди, бу соҳада айрим олий ўқув юртлари тўплаган ижобий тажрибалар умумлаштирилди, қўйилган вазифаларни ҳал этиш йўллари белгиланди.

Кенгашда техникумлар қабул комиссиялари ишини ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Унда партия ва совет ходимлари, республика олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, маориф министрлиги бошқармаларининг раҳбарлари, ўрта махсус ўқув юртлари директорлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, қабул комиссияларининг масъул секретарлари иштирок этдилар. Ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш сифатини кескин ошириш масаласи кенгаш қатнашчилари диққат марказида бўлди. Камчиликлар, салбий ҳолатлар очиқ-ойдин кўрсатилди, уларга йўл қўйган ўқув юртлари раҳбарлари ошкора танқид остига олинди.

Амалий ишда маълум кўникма ҳосил қилган, Совет Армияси сафларида, айниқса, Афғонистон Демократик Республикасидаги чекланган қўшинлар составида ўз интернационал бурчини адо этган кишилар ҳисобига қабул сифатини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг партия комитетлари ва партия бюролари кириш имтиҳонларининг бориши, абитуриентларнинг имтиҳонларни муваффақиятли топширишлари учун зарур шароитлар яратиб берилиши устидан доимий назорат ўрнатишлари лозимлиги уқтирилди.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.

# ЧИНОЗДАГИ УЧРАШУВ

Ҳар бир матбуот органининг ўзига хос қиёфага эга бўлишида унинг ўз ўқувчилари билан қай даражада муносабатда эканлиги муҳим роль ўйнайди. Шу маънода журналистларнинг қайноқ ҳаёт ва меҳнат аҳли билан мунтазам алоқада бўлиб туришлари, газетхонлар билан учрашиб туришлари жуда катта аҳамиятга эга.

Яқинда Чиноз районидаги М. Ю. Лермонтов номли марказлашган район кутубхонасида ўтказилган учрашув ана шу жиҳатдан характерлидир. Мазкур учрашувда қишлоқ мухбирлари, маданият ходимлари, ижодкор ёшларнинг «Умид» тўгараги аъзолари ва «Тошкент ҳақиқати»нинг журналистлари иштирок этишди.

Чиноз район «Ленин байроғи» газетасининг редактори, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси З. Куртнезиров учрашувни очиб, КПСС XXVII съезди қарорларини кенг пропаганда қилишда район газетаси журналистлари олиб бораётган ишлар ва редакция ҳузурида ташкил этилган «Умид» адабий тўгарагининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси маданият бўлими ходимлари Р. Ғаниев ва У. Абдушоҳидов эса редакция коллективининг янги режалари, газета материалларининг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш ва унинг ўз ўқувчилари билан алоқасини тағин ҳам мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар, газетанинг ёш ижодкорлар билан ишлашдаги тажрибасига тўхталдилар.

## • Газетхонлар газета ҳақида

Сўнгра учрашув қатнашчилари «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинаётган материаллар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Менга публицистик характердаги материаллар ёқади, — дейди район халқ маорифи бўлимига қарашли ёш техниклар станцияси тўгарагининг раҳбари А. Раҳимов. — Шунинг учун газета саҳифаларида бадиий очерклар, беш йиллик қаҳрамонлари ҳақида лавҳалар кўпроқ босилишини истардим.

— Кейинги пайтларда меҳнаткашларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига бағишланган материаллар кўпайгани айни муддао, — дейди Чиноз шаҳридаги марказий кутубхона ходими Р. Бадриева. — Мен газетанинг «Шанба саҳифаси»дан яхши шеър ва ҳикоялар, кичик фельетонлар ўрин олишини хоҳлардим...

Шунингдек, Ғ. Ғулом номли 40-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Пардабоева, «Ленин байроғи» газетасининг редактор ўринбосари Ҳ. Сулаймонов, Н. Крупская номли 45-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Н. Довурбоева, район радиосининг диктори Д. Шарипова, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети студенти Р. Холиқова, М. Ю. Лермонтов номли марказлашган район кутубхонасининг директори С. Кочкарёвалар ҳам «Тошкент ҳақиқати»да босилаётган материаллар хусусида фикр билдирдилар, конкрет таклифларни ўртага ташладилар, газетада танқидий чиқишларнинг тематикасига доир мулоҳазалар билдирдилар, камчилик-нуқсонларни кўрсатиб ўтдилар.

Учрашув ниҳоясида «Умид» тўгарагининг аъзолари шеър ва ҳикояларидан намуналар ўқиб беришди.

*• Мелиорация ва сув хўжалиги*

# ҒЎЗАНИНГ АВТОМАТ СУҒОРУВЧИСИ

«Сув қаерда тугаса, ўша жойда ер тугайди» дейилади шарқ мақолларидан бирида. Иқлими иссиқ ва ёғингарчилик миқдори ниҳоятда кам бўлган Қирғизистонда, шунингдек, Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида сунъий суғоришсиз интенсив деҳқончиликни амалда тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳозирги вақтда сунъий суғориш миллион гектар ерда олиб борилмоқда ёки бу усул республика барча экин майдонининг 90 процентида қўлланилмоқда.

Бунинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Ғалла экинлари ва кўп йиллик ўтлар сунъий ёмғир ёғдирувчи машиналар ва қурилмалар ёрдамида суғорилаётганига анча бўлди, ғўза — асосий техник экин — эса ҳамон қўлда суғорилмоқда, бунда алмисоқдан қолган кетмондан фойдаланилади. Албатта, ариқ очиш ва ўсимлик бир маромда ичиши учун сувни ариққа қўйиш катта санъат. Бироқ қўл меҳнатининг унумдорлиги жуда паст.

Фрунзе шаҳридаги Бутуниттифоқ мелиорация системаларини комплекс автоматлаштириш илмий-тадқиқот институтининг бир группа ходимлари автомат сувчи лойиҳасини ишлаб чиқишга киришдилар. Инженер-гидротехник Галимбек Қуролбоев, математик Абсамат Абдуллаев, конструкторлар Саъдулла Назиров ва Юрий Овчаровлар шу ишга аҳд қилдилар. Олти йил давомида олиб борилган изланишлар натижасида бўлажак машина узеллари ва деталларининг конструкцияси яратилди, ишнинг оптимал режими топилди, тежамли ва мустаҳкам материаллар танлаб олинди...

Эндиликда эса биз шинамгина институт лабораториясида ўтирибмиз ва олимлар ҳаловатсиз ўтган кунлар ва тунларни эслашади. Айниқса жазирама кунларда жуда қийин бўлди. Бундай вақтларда ҳатто соя жойларда ҳам симоб устуни 40 градуслик белгидан юқорига кўтариларди. Бизнинг ишимиз билан кекса сувчилар қизиқиб қолишди. Улар «Оламда пахтани суғориш учун кетмондан яхшироқ ҳеч нарсани ўйлаб топиш мумкин эмас» дердилар.

— Ҳа, суғорадиган автомат қурилмани яратишми ёки сувчиликни касб қилиб олганларнинг «ижтимоий фикри»ни инкор қилишми, буларнинг қайси бири мураккаброқ бўлганлигини айтиш қийин, — дейишади мийиғида кулиб ажойиб қурилма авторлари. Иш принципи ва меҳнат унумдорлиги бўйича бунга ўхшаш қурилма ҳали жаҳон практикасида яратилмаган.

Қурилманинг ўзи ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчимиз. Бутунлай турли хил диаметрдаги полимер қувурлардан яратилган бу қурилма каналга тушириб қўйилади. У орқали сув экин майдонларига тарқалади. Суғориш вақтида ҳеч қандай энергия сарфланмайди, фақат сувни қувурга дастлаб етказиб бериш учун енгил кўчма двигателдан фойдаланилади. Қурилмани тайёрлаш учун харажатлар (икки минг сўмликка яқин) ундан фойдаланила бошланган дастлабки йил давомидаёқ қопланади.

Ёш олимлар ва конструкторлар сувчи меҳнатини ўз зиммасига олувчи қурилмани ишлаб чиқиш давомида институтда ташкил этилган комплекс ижодий ёшлар коллективининг бошқа аъзолари билан ҳамкорликда суғоришнинг автоматлашган ва механизациялашган усулларининг дискрет (импульс) технологиясини яратдилар.

Янги технология суғорилаётган участканинг бутун узунлиги бўйича тупроқнинг бир маромда ва юксак даражада намланишини таъминлайди, сув сарфини анча қисқартиради (оддий нормадагига нисбатан 35—40 процент), суғоришда меҳнат унумдорлигини икки-уч баравар ва ҳосилдорликни 25 процент оширади.

— Бундан ташқари, — дейди институт директори Жонибек Шаршеналиев. — автоматика илгариги вақтда Қирғизистондаги энг асосий касбларнинг бири бўлган сувчининг оғир ва унумсиз меҳнатини бартараф этади, у бу соҳадан кўплаб ишчи қўлларини халос қилади. Шуниси ҳам муҳимки, янги қурилма сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш имконини беради, шунингдек хўжалик юритишда кам маблағ сарфлаган ҳолда энг кўп даража натижа олишга ёрдам беради. Шундай қилиб гап интенсив технологияни амалда кенг жорий қилиш ҳақида бормоқда. Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари бўлган ёш олимлар бу муаммони ечишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

А. КОЛОСОВ,
(АПН).

# ПОМИДОР ҲОСИЛИ ШИҒИЛ

ТОШКЕНТ районидаги Ленин номли колхознинг Раззоқ Қаюмов бошчилигидаги бригада деҳқонлари бу йил эртаки сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштиришди. Айни кунларда бригадада бўшаган майдонларни шудгорлаш, кечки экин экиш қизғин боряпти. Шунингдек, етилган экинлар ҳосили ўз вақтида йиғиб-териб олиниб, шаҳарликларга жўнатилмоқда.

Айниқса, 7 гектар ердаги помидор ҳосили мўл. Шу кунгача давлатга 10 тоннадан зиёд маҳсулот топширилди. Бригада деҳқонлари ҳосилдорликни гектар бошига 300 центнерга етказишга аҳд қилишган. Турсуной Шамсутдинова, Қидир Маҳмудов, Турғун Маткаримов ва Бозорбой Мирзақосимов сингари деҳқонлар ҳосилни йиғиб-териб олишда ва экинларни парвариш қилишда барчага ибрат бўлишаяпти.

М. ТЎРОБОВ.

# СУТ СОҒУВЧИЛАР ҲАСРАТИ

## ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ «МАДАНИЯТ» КОЛХОЗИДА

## ЯРИМ ЙИЛЛИК СУТ ПЛАНИ НЕГА БАЖАРИЛМАДИ?

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Маданият» колхози кейинги пайтларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича анча оқсаб қолди. 1986 йилда давлатга сут сотиш ярим йиллик плани 85 процентда қолиб кетди. Аҳволни билиш мақсадида хўжаликка бордик.

Колхоз раиси М. Л. Пугачевани правление идорасида учратиб унга мақсадимизни айтдик. Мақола танқидий бўлишини сезган раиса тараддудланиб қолди.

— Ижобийроқ нарса ёзсангиз бўларди, — деди раиса, — танқид ёзаркансиз, ёзаверинг, фақат фактларни район статистика бошқармасидан олинг. Биз сизга бу ердан ҳеч нарса беролмаймиз. Келиб овора бўлмасангиз ҳам бўларди...

Колхоз раисининг бу гапидан сўнг ишлар жойида эмаслигини кўнглим сезди. Гарчи хўжалик раҳбарлари рад қилсаларда фермага бориб ҳақиқатни очиқ-ойдин билишга аҳд қилдим.

Ичкарига олиб борувчи йўлнинг икки томонига тартиб билан тут дарахтлари экилган. Чор-атроф манзарали. Ферма территориясини ўраб турувчи деворлар оқланган. Ҳовлидаги стендларда колхознинг бу йилги мажбуриятлари ёзиб қўйилибди. Бу манзарани биринчи бор кўрган киши фермага эмас, дам олиш масканига келиб қолмадиммикан, деган хаёлга бориши турган гап. Аммо дарвозадан ичкари кириб борган сари ҳалиги таассуротдан асар қолмайди.

Ферма ҳисобчиси Фурқат Муҳиддинов билан бирга молхоналарни, яйратиш майдонларини кўздан кечирдик. Қанчадан-қанча меҳнат эвазига етиштирилган ем-хашак атрофга сочилиб ётибди. Охурларга солиниши керак бўлган кўк массанинг катта қисми қорамоллар оёғи остида лой, тупроққа қоришиб кетаётганини кўрдик. Афтидан бу ердагилар озуқадан тежаб-тергаб фойдаланишни, саранжом-саришталикни унутиб қўйганга ўхшайдилар. Ҳисобчининг тушунтиришича сочилиб ётган озуқа кейинроқ йиғиштириб олиниб яна охурларга солинаркан. Кошки эди ифлос, ҳидланиб, айниган озуқани моллар еса.

У ердан яйратиш майдонларига ўтдик. Атрофи ўралган майдонларда соябон йўқ. Бир-бирининг панасида бошини беркитиб турган сигирлар ҳар жойда тўда-тўда бўлиб жон сақлашяпти. Соғин сигирларнинг аҳволи бундан ҳам баттар. Яйратиш майдончалари йўқлиги сабабли сигирлар молхоналарда. Полда ётган чиқиндилар вақти-вақтида тозалаб турилмаганлиги сабабли сигирлар белигача беланиб ётибди. Бино ичининг димлигини гапирмаса ҳам бўлади.

— Молхоналар шамоллатилмайдими?

— Ҳарорат юқори бўлгач дераза-эшикларни очиб қўйгандан нима фойда, — жавоб берди молбоқарлардан бири.

Ичкаридаги охурларда озуқа қолдиқлари моғорлаб, сасиб ётибди. Бериладиган ем-барди эски хашакнинг устига тўкиларкан. Бино ёнгинасида эса территориядан ташқарига олиб чиқиб ташланмаган гўнг уюм-уюм бўлиб ётибди. Фермадаги соғувчилар билан суҳбатлашдик. Улардан муаммоларни ҳал этиш учун нималар қилиш мумкинлиги ҳақида фикрларини сўрадик.

А. ҲАСАНОВА — кўп йиллардан бери шу ерда соғувчи бўлиб ишлайман. Қарамоғимда 25 та сигир бор. Ҳар биридан кунига ўртача 10 литрдан сут соғиб олаётган эдим. Шу кунларда бу кўрсаткич тобора пастлаб бораяпти. Соғиш асосан аппаратлар ёрдамида бажарилади. Айни дамда эса хўжалик ва ферма раҳбарлари босим ҳосил қилувчи агрегатнинг яхши ишламаётганлигини баҳона қилиб соғиш аппаратлари сонини қисқартиришди. Агрегатни созлаш ўрнига улар «аҳвол шу тахлитда бораверса яқинда сигирларни қўлда соғасизлар» дейишди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунча сигирни уч маҳал қўлда соғиб улгуриб бўладими?

Ш. САИДРАСУЛХЎЖАЕВА, — соғувчилик қилаётганимга эндигина бир йилдан ошди. Тўғрисини айтишга ҳам уялади киши. Ҳализамон зоотехнигимиз келиб «шикоят қиладиган сенларми» деб куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиб беради. Қўрқадиган пайтлар ўтиб кетди. Энди давр бошқача. Шунинг учун ҳам бор гапни дангал айтиш керак: Молхоналарни кўргандирсиз. Бу ерда зоотехника-ветеринария қоидаларига мутлақо риоя қилинмайди. Ҳар ким ўз билганича иш юритади. Қипиқ вақтида олиб келинмайди. Сигирлар ости ифлос. Кўп вақтимиз сигирларнинг елинини ювишга кетади. Кечки соғинда ўзингиз буни кўзингиз билан кўришингиз мумкин. Бунинг устига соғувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шароит етарли эмас. Дам олиш хоналари хўжакўрсинга безатиб қўйилган. Эшикларида доим қулф. Фақат текширувчилар келгандагина кўрсатишади, холос. Ҳафталаб дам олмасдан ишлашга тўғри келади. Негаки, алмаштирувчи соғувчилар олинмаган. Ёшларни ишга жалб қилиш, уларни муқим қолишлари учун шароит ва эътибор йўқ.

Н. ЗАЙНИХЎЖАЕВА — Саккизинчи синфни битиргач, шу ерга ишга келганман. Шунга ҳам мана, уч йилдан ошди. Айтадиган гапимиз кўп. Аммо арзимизга эътибор берадиган одам йўқ. Колхоз халқ назоратчилари келиб текширишди. Фермадаги камчиликларни очиб ташлашди. Тадбирлар белгилашди. Ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Биз оғизда кўп иш қилаяпмиз. Амалдачи... Ҳеч нарса ўзгармади. Соғилган сутнинг ҳар литрига 3 тийиндан ҳақ тўланади. Бу райондаги энг паст кўрсаткичдир. Моддий манфаатдорлик, мусобақа ғолибларини тақдирлаш орқали соғувчиларни кўпроқ маҳсулот етиштиришга қизиқтиришни ҳеч ким ўйламайди. Иш кўп, маош кам бўлгандан кейин дилдан ишлагинг ҳам келмайди. Социалистик мусобақа шартлари ҳам стендларга ёзилиб комиссия келгандагина кўрсатиладиган экспонатларга айланиб қолган. Бу тўғрида соғувчидан ҳеч нарса сўрашмайди. Дилимиздаги гапларни ким эшитади. Ҳайронмиз.

Фермада 706 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 329 таси соғин сигирлардир. Бир кунда ҳар сигирга 40 килограмм кўк масса, 20 килограмм барда, 15 килограмм олма тўппаси, 2 килограмм аралаш озуқа берилаяпти. Яъни бу дегани бир литр сут олиш учун нормадаги 1,3 ўрнига 1,23 озуқа бирлиги сарф этилаяпти. Берилаётган емиш ёмон эмас. Шунга қарамай сут кам. Ёғлилик даражаси эса 2,6 процентга тушиб қолган. Демак гап озуқани қанча беришда эмас, балки уни сифатли тайёрлаб қайси муддатларда қандай қилиб тўла едиришга эришишда.

Сутнинг камайиб кетганлигини молбоқарлардан бири шундай изоҳлайди: «Эрталаб ўриб келтирилган беда тушгача, баъзи ҳолларда кечгача прицепларда қолиб, кун тиғида сўлиб қолмоқда, тўйимлилиги йўқолмоқда. Ҳеч ким озуқани соя-салқинда сақлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Кўпинча барди деб сувдан фарқи йўқ бўлган суюқликни олиб келишаяпти».

Фермадаги ишлар шунчалик ўз ҳолига ташлаб қўйилганки, бир ярим кун давомида бу ерда ҳисобчидан бошқа бирорта раҳбарни учратмадик. Ниҳоят иккинчи куни тушдан сўнг зоотехник С. Мирзаев қаердандир келиб қолди. Бу киши амалда ҳам зоотехник, ҳам ферма мудири вазифасини бажарар эканлар. Ҳақиқий ферма мудири эса (?) бир соғувчининг гапига кўра (у исмини айтишни истамади) баъзида кўриниш бериб кетаркан, холос.

Ниҳоят зоотехник билан орамизда мен кутган суҳбат бошланди.

— Давлатга сут сотиш ярим йиллик плани неча процентга бажарилди?

Зоотехник лабини тишлаб бирпас турди-да сўнг жавоб берди:

— План бажарилмади. Чунки биз январь, февраль, март ойларида қорамолларни кўнгилдагидек озиқлантиролмадик. Шу сабабли сут камайиб кетди. Сигирларга рацион бўйича озуқа берилгани билан сифати яхши бўлмагач, бу ёғи ўзингизга маълум ука, чайналди у.

— Соғувчилар соғиш аппаратларини йиғиштириб олмоқчи эканлигингиздан норози бўлишяпти?

— Сутнинг ёғлилиги тушиб кетди, — сўзида давом этди зоотехник. — Улар машинадан кейин қўлда қайта соғишмаяпти. Шунинг учун йиғиштириб олишга қарор қилдик.

Партия-ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик ходимлари олдига чорвачиликни интенсив технологияга ўтказиш орқали мўл, арзон, сифатли маҳсулот етиштириш вазифасини қўйган бир долзарб пайтда бу ерда қўл меҳнатини кучайтиришга зўр беришяпти. Бундан нима фойда? Таннарх қимматлашади. Соғувчи кўп вақт сарфлайди. Ваҳоланки қўшни «Красний водопад» экспериментал базасида она-бола соғувчилар Э. Суюнова ва Р. Суюнов қарамоғидаги 240 бош сигирни қўлда эмас «Тандем» аппаратида соғяптилар. Ёғлилиги ҳам нормадагидан юқори бўлаяпти. Зоотехникка буни мисол қилиб кўрсатганимизда, у ўз «усули»ни оқлади:

— Билмадим, билмадим. Қўлда соғиш қанчалик оғир бўлмасин, менга ёғлилиги керак. Биласизми, шу кунларда олма туппасини бера бошлаганимиз туфайли бир суткада 8 тонна кўк масса тежаб қолаяпмиз...

Мана, гап қаерда. Кўк озуқадан қантарилиб, шираси олинган олма туппаси билан боқилаётган сигирнинг сутида ёғ нима қилсин?! Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун аввало хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш лозимга ўхшаб қолди. Ҳар ишда барқарор тартиб ўрнатилсагина иш олға силжийди.

Р. ХУДОЁРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

## ЧОРВАЧИЛИК «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## КОРХОНА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

БУДАПЕШТ. Республикадаги энг йирик тўқимачилик корхоналаридан бири — Залаэгерсегдаги фабрика реконструкция қилина бошланди. Бу ерда юксак унумли технология жорий этилади, эски дастгоҳлар ўрнига СССР корхоналари тамғаси босилган станоклар ўрнатилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда электрон-ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади. Бу эса Залаэгерсег тўқимачиларига социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини бажаришда кенгроқ иштирок этиш, социалистик мамлакатларга, биринчи навбатда Совет Иттифоқига замонавий буюмлар етказиб беришни деярли 30 процент кўпайтириш имконини беради. Ана шу шаҳардаги тикувчилик фабрикаси ходимлари ҳам ўз касбдошларидан орқада қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Совет Иттифоқи бу тикувчилик фабрикасининг энг муҳим буюртмачисидир. Ана шу корхоналарнинг коллективлари қардош мамлакатга бу йил маҳсулот етказиб бериш планини муддатидан анча олдин бажариш, СССРга фақат юқори сифатли буюмларни жўнатиш мажбуриятини олдилар.

(ТАСС).



ГФР. Кёльнда ашаддий неофашист гуруҳларидан бири — «скинхедс» («калбошлар») йиғинига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унда демократик жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Ушбу суратда намойиш қатнашчиларини кўриб турибсиз.

Т. Сосновская фотоси.

(ТАСС).

## Халқаро конференция

ВАРШАВА. Польшанинг Познань шаҳрида ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининг халқаро конференцияси ўтмоқда. Унда Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Румыния, Совет Иттифоқи ва Чехословакия вакиллари қатнашмоқдалар. Конференция қатнашчилари ёнғиндан сақлаш хизмати иш тажрибаларини баҳам кўрадилар, бу соҳадаги биргаликда амалга ошириладиган тадбирларни белгилаб оладилар. Конференция ёнғиндан сақлаш хизматининг самарадорлигини оширишга, ана шу хизмат ишларини ташкил этишнинг янги методларини ҳамда ёнғинга қарши курашнинг энг замонавий техникасини амалда қўлланишга ёрдам бериши керак. Конференция қатнашчилари айни пайтда Польша ёнғиндан сақлаш хизмати жойларда қандай ташкил этилганлиги, техника билан қандай жиҳозланганлиги ҳамда бу хизматнинг иш формалари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

## МИСРДА ҚИММАТЧИЛИК

ҚОҲИРА. Сўнгги кунларда Мисрнинг турли районларида мамлакатда қимматчилик авж олаётганлигига қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди, деб хабар қилади «Аш-Шааб» газетаси. Искандарияда 5 мингдан зиёд ишчилар, хизматчилар, студентлар ва ўқувчилар кўчаларга чиқиб, меҳнаткашлар турмушини яхшилаш учун шошилинч чоралар кўришни талаб қилдилар. Кафр аш-Шайх вилоятида деҳқонлар нарх-навонинг кўтарилишига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Мисрда қимматчиликнинг ўсиши мамлакатнинг АҚШга ва унга тобе бўлган халқаро молия ташкилотларига иқтисодий қарамлигининг бевосита оқибатидир. Бу ташкилотлар республикага «ёрдам» бериш учун бир неча шартларни қўймоқдалар, бу шартларнинг бажарилиши кўпчилик мисрликлар турмуш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

## ОҚИЛОНА ДАЪВАТ

ХИРОСИМА. Бу ерда Япония ядросиз шаҳарлари ҳокимларининг умуммиллий конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференция Хиросима шаҳри атом бомбардимони қилинганлигининг 41 йиллиги муносабати билан бу ерда ўтказилаётган урушга қарши кунлар доирасида чақирилган. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари федерациясининг раиси Сюн Хаяма конференцияни очиш чоғида гапириб, ҳозирги вақтда мамлакатда ўз территориясини ядросиз зона, деб эълон қилган мингдан ортиқ шаҳар ва посёлка, шунингдек етти префектура борлигини айтди. Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғи ана шу жойларда яшайди.

Конференция қатнашчилари мамлакатда ядросиз шаҳарлар ҳаракатини янада авж олдиришга ҳамда тинчлик учун барча курашчиларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга даъват этувчи резолюция қабул қилдилар. Улар Япония ҳукуматига мурожаат этиб, мамлакатнинг ядросиз статусига оғишмай амал қилишни талаб қилдилар.

(ТАСС, 6 август).

## КУЧЛИ ПОРТЛАШ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Сантъягодан олинган хабарларга қараганда, Чили пойтахтида содир бўлган кучли портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлди, икки киши оғир жароҳатланди. Портловчи қурилмани номаълум кишилар Сантьяго ҳарбий казармаларининг бири яқинида қолдириб кетилган автомобилга ўрнатганлар. Портлаш натижасида яқин орадаги баъзи бинолар шикастланди.

(ТАСС).



ВАРШАВА. Польша Халқ Республикасининг пойтахти қиёфаси йилдан-йилга гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда қудратли социалистик индустрия, йирик уй-жой қурилиши жамланган. Шаҳар муҳим, сиёсий ва маданий марказ ҳисобланади. Суратда: Новотко кўчасининг кўриниши.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

# ИЗ ҚОЛДИРДИ

ди. У оммани тинчлантирмоқчи бўлган полиция хизматчиларидан қўрқмай кўксини тутиб, «Ўлдир! Аммо ўғилларимизни барибир бермаймиз!» деб хитоб қилиб, олдинга отилди. Полиция хизматчиларидан бири эса ҳаёсизларча унга ўқ узди ва ўлдирди. Дарғазаб бўлган омма ҳукумат вакилларини калтаклай кетди.

Полиция, хизматчилар, соқчилар қўзғолончилар ҳужумидан қочиб, бошқарма биносига яшириниб олдилар. Аҳвол чамаси 2 соатгача шундай бўлди. Соат 11 ларга бориб бу ерга область губернатори етиб келди. Унинг оммани тинчлантириш учун қилган уринишлари фойда бермади, у кетишга мажбур бўлди. Шу вақтда етиб келган юнкерлар ротасига ҳам қўзғолончилар бўйин эгмадилар, уларнинг қуролларини тортиб олишга ва калтаклашга ҳаракат қилдилар. Кечгача шаҳар тинчимади. Кўчаларда қўзғолончиларнинг айрим гуруҳлари билан солдатлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб, ўқ овозлари эшитилиб турди. Қўзғолон давомида омма орасидан 11 киши ҳалок бўлди, 15 киши яраланди.

Қўзғолонда ишчиларнинг вакиллари актив қатнашдилар. Масалан, ишчилардан Йўлчи Иброҳимов, Ғулом Камолов, Маҳмудхўжа Мирзахўжаев, Раҳимберди Икромов, Очил Бобожонов, Тожибой Юнусхўжаев, Турсунбой Абдуҳакимов, Азиз Мусабоев, Қобил Мирҳосилов, Мирқосим Исомуҳамедов кабилар жонбозлик кўрсатиб намойишчиларнинг олдинги сафларида бордилар.

Қўзғолонда этикдўз Абдураҳмон Қаюм-Сўфиев ва ишчи Мирқайим Шомуҳамедовлар халқ йўлбошчиси ва жонкуяри сифатида қатнашдилар. Улар халқ оммасини ҳукуматга ва маҳаллий бойларга қарши курашга отлантирдилар, шунинг учун суд уларни ўлим жазосига ҳукм қилди ва ҳукм ижро этилди. Уларнинг энг яқин сафдошлари ҳисобланган ишчилардан Тожибой Юнусхўжаев, Ғулом Камолов, Йўлчи Иброҳимов, камбағал деҳқон Муродхўжа Маҳмудали-Хўжаев ва бошқалар турли муддатлар билан қамоққа ҳукм қилинди.

Аёллар қўзғолоннинг олдинги сафларида бўлдилар. Ўзбек аёли Зуҳра биби Исаева қўзғолон пайтида оғир яраланди, бир неча киши уни хавфсиз жойга олиб бордилар. Ажойиб рус медиги М. П. Стец уни яширинча даволади.

Тошкент шаҳридаги шу воқеалар таъсирида Келес, Янги бозор, Тўйтепа ва бошқа атроф жойларда ҳам халқ бош кўтарди. Масалан, июль ойи давомида Келесда ўнларча минг, Чимкент йўлидаги Ғишт кўприкда 7—8 минг ва Қибрайда 4—6 минг киши ғалаён кўтарган. Бундай воқеалар Чиноз ва унинг атрофида ҳам содир бўлди. Қўзғолон, айниқса, Тўйтепа қишлоғида қизғин тус олди. Бу ерда минглаб кишилар волост бошлиғининг уйига бостириб кириб, уни ўлдирдилар, мол-мулкини таладилар ҳамда идорани ер билан яксон қилдилар. Хонобод қишлоғида ҳам йирик ғалаён бўлиб ўтган.

Халқ ғалаёнлари Фарғона водийсида ҳам авж олиб кетди.

1916 йилнинг июль ойидан то 1917 йилнинг январигача давом этган қўзғолон вақтида оломон томонидан 80 дан ортиқ ҳукумат амалдорлари ўлдирилди, қарздорлик ва мардикорликка олиш рўйхатлари ҳамда амалдорларнинг уйлари ёндирилди, уларнинг мол-мулки таланди. Шунингдек, темир йўл участкалари ва кўприклар бузиб ташланди.

Чор ҳукумати қўзғолонни шафқатсизлик билан бостириб юзлаб кишиларни осишга ва узоқ муддатли қамоққа ҳукм этди. Шунингдек, актив қўзғолончиларнинг ери ва мол-мулки мусодара қилинди.

Гарчанд қўзғолон мағлубиятга учраган бўлсада, лекин у халқ оммаси сиёсий онгининг ўсишида, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига зарба беришда муҳим роль ўйнади. Қўзғолончилар ишчилар билан бирга ва унинг бевосита раҳбарлигида кураш олиб борилганидагина ғалаба қозониш мумкинлигини ўз тажрибаларида яққол кўрдилар.

Хуллас, 1916 йилги халқ қўзғолони чоризмга, империализмга ва феодал тузумига қарши қаратилган ҳаракат сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. У Россияда етилиб келаётган революцион кризиснинг ёрқин кўринишларидан ҳисобланиб, февраль буржуа-демократик революцияси ва Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини таъминлаган омиллардан бири бўлди.

Д. ЗИЯЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти СССР тарихи кафедраси аспиранти.

